

**2021**  
№1 Yanvar (232)

ЭКОЛОГИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК УЗБЕКИСТАНА  
ECOLOGICAL HERALD OF UZBEKISTAN

# EKOLOGIYA

XABARNOMASI



# МУНДАРИЖА

## МУҲАРРИР МИНБАРИ

**НОДИРА АБДУЛЛАЕВА**

Атроф-муҳитни асраш йўлида биз билан бирга бўлинг!



1

## ВАТАН КЕНЛИКЛАРИДА



4  
5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгикўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланди  
Ўзбекистон аҳолисининг сони 34,5 миллиондан ошди  
Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фан ривожлантирилади ва илмий-тадқиқот ишлари рағбатлантирилади  
Ўзбекистонда метеомаълумотларни сотиб олиш жараёнига ўтилади

## ЖАРАЁН

Ўрмон хўжалиги: Самарали фаолият, соҳа янгиликлари ва муаммолар



6

## ГИПОТЕЗАЛАР-ТАДҚИҚОТЛАР-ИХТИРОЛАР



8

**Н. ГАДАЕВ, М. НАСИРОВА, Ш. ЯХШИЕВ**

Пахта суғориш учун ППК фильтрацияга қарши экранлардан фойдаланган ҳолда сувни тежаш технологиялари

**М. ШАЯКУБОВА**

Некоторые аспекты математической обработки и создания алгоритма обнаружения сейсмических событий



12



14

**Х. ҚОДИРОВ, Х. ТУРСУНОВ, Р. СУЛТОНОВ, У. ҲУСАНОВ**

Адир ҳудудларидан фойдаланишнинг географик ва иқтисодий асослари

**Э. МАТЯҚУБОВА**

Ингичка толали ғўза намуналарининг тезпишарлик белгилари



16



18

**Ҳ. ҲАМРОЕВ, О. ШАЙМАТОВ**

Тошкент вилоятида ўсувчи ёнғоқ навларининг биохилма-хиллиги ва сифат кўрсаткичлари

**М. ҒЎДАЛОВ, О. МУҲАМЕДОВ, Б. ЗИКИРОВ**

Айдар-Арнасой ботиғи ландшафтларини тадқиқ этиш йўллари



20



23

**Х. САБУРОВ, Д. ПАЛВУАНИЯЗОВА, И. КАСИМОВ, А. НИГМАТЖАНОВА, Б. МУХАМЕДГАЛИЕВ**

Разработка эффективных закрепителей песков Приаралья на основе местных и вторичных ресурсов

**А. АБДУРАҲИМОВ**

Чўл қумли тупроқлари шароитида экинларни суғоришда зовур сувларидан фойдаланиш агроэкологияси



26



28

**Х. ҲУСАИНОВ, Х. ТОЙЧИЕВ**

Чирчиқ дарёси ҳавзаси Қодирия кесими лёссимон ётқизиқларининг палеомагнит тавсифи

**Б. БОЛТАЕВ, Ш. МАХМУДОВА**

Производство овощей без экотоксикантов



32



34

**Я. ЮЛДАШОВ, Ж. НАМОЗОВ**

Ўзбекистоннинг сув ресурслари танқис ер майдонларида бодом-зорлар барпо қилиш ва уларни парваришlash технологияси

# АЙДАР-АРНАСОЙ БОТИҒИ ЛАНДШАФТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**М. ҒУДАЛОВ**, Жиззах Давлат педагогика институти «География ва иқтисодий билим асослари» кафедраси доценти, техника фанлари номзоди

**О. МУХАМЕДОВ**, Жиззах Давлат педагогика институти «География ва иқтисодий билим асослари» кафедраси мудири, доцент, география фанлари номзоди

**Б. ЗИКИРОВ**, Жиззах Давлат педагогика институти «География ва иқтисодий билим асослари» кафедраси ўқитувчиси

## Аннотация

*В данной статье рассмотрены природно-географическое положение, границы, природные условия и ландшафты впадины Айдар-Арнасой. Анализированы принципы и методы изучения ландшафтов.*

## Summary

*The natural geographical location, boundaries, natural conditions and landscapes of the Aydar-Arnasay basin are studied. Principles and methods in the study of submerged landscapes are analyzed.*

Ҳозирги вақтда Айдар-Арнасой ботиғини чўл, адир, тоғ баландлик минтақалари ҳамда йирик сув ҳавзасининг ўзаро қарама-қарши таъсирида жадал ривожланаётган “табiiй лаборатория” дейиш мумкин. Айдар-Арнасой ботиғидаги табiiй географик жараёнларнинг ривожланишига табiiй омиллар билан бир қаторда антропоген омиллар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Турли хил таъсир ва омиллар маҳсули бўлган Айдар-Арнасой ботиғи ва ундаги ўзгаришларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда келгусидаги ривожланишини прогноз қилиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Айдар-Арнасой ботиғида табiiй географик жараёнларнинг ривожланишида ички омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ботиқ табiiй чегараларини аниқлашда ички ва ташқи омилларнинг таъсир доираларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Айдар-Арнасой ботиғини яхлит геотизим сифатида ажратиш ва унинг табiiй чегараларини ўтказиш мураккаб масала ҳисобланади.

Айдар-Арнасой ботиғининг жанубий чегаралари бир мунча аниқ бўлиб, Шимолий Нурота тоғлари этагидан ўтади. Ботиқнинг

ғарбий, шимолий ва шарқий табiiй чегаралари Айдар-Арнасой кўллари тизими (ААКТ)нинг ер ости сувлари таъсирида тупроқ ва ўсимлик қопламидаги ўзгариш кузатиладиган ҳудудлардан ўтказилди.

Айдар-Арнасой ботиғининг ғарбий чегараси Қизилкум чўлининг шарқий ҳудудларига тўғри келади. Бу ерда ААКТ таъсирида ҳосил бўлган шўрхок кум билан табiiй равишда ҳосил бўлган кумли тупроқлар туташган ҳудудлар ботиқнинг чегараси деб олинди.

Ботиқнинг шимолий чегараларининг шимоли-ғарбий қисми Шарқий Қизилкум билан туташ, шимолий қисми эса Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг давлат чегараларидан ўтади, шимоли-шарқий қисми Кумли чўл билан бевосита туташиб кетади. Шимолий ҳудуд бўйлаб чегарани ўтказишда ААКТ таъсирида шўрланган кумли тупроқлар билан шўрланмаган кумли тупроқлар алмашилиш жойи ва шунга боғлиқ ҳолда галофит ўсимликлар билан псаммофит ўсимликларнинг алмашилиш ҳудуди чегарани ўтказиш учун асос бўлди.

Айдар-Арнасой ботиғининг шарқий чегаралари шўрланган сур тусли кумли тупроқлар

билан маданийлашган оч тусли бўз тупроқларнинг ўзаро алмашинадиган ҳудудларига тўғри келади.

Айдар-Арнасой ботиғининг геологик тузилиши, рельефи, иқлими, ер ости ва ер усти сувлари, тупроқлари, ўсимлик қоплами ҳамда ҳайвонот оламига оид материалларни таҳлил қилиш натижаси ландшафтлар ҳақида илмий тасаввурнинг шаклланишига асос бўлади.

Айдар-Арнасой ботиғи ва унга туташ ҳудудлар ландшафтларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар орасида Л.А. Алибеков [1978], А.А. Рафиқов [2003], Н.И. Исमतов [2006] ва бошқаларнинг тадқиқотларининг аҳамияти каттадир. Ландшафт тадқиқотларига оид махсус адабиётларда ёзилишича, ландшафтларни тадқиқ этишда бир қанча принцип ва методларга амал қилинади. Қуйидаги тадқиқот ишларимизда амал қиланган принциплар ва фойдаланилган методлар ёритилади.

Объективлик принципи ландшафтларнинг объектив мавжудлигини тан олиш, ушбу ландшафтларнинг чегараларини аниқлаш, таснифлаш ва картага туширишда объектив ёндашувда ўз аксини топади (2.1-расмга қаранг).